1996 I-XII № 14

Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси • 1996 йил, 5 январь • №1 (247)

1996 йил ҳаммамиз учун, шу муборак заминда яшаётган ҳар бир инсон учун юксалиш, ўсиш йили бўлгай.

Ислом КАРИМОВ.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жун бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

—«ДЭУ» компаниялари мамлакатимиздаги фаолияти мобайнида ўзбекистонликларнинг тўла ишончини қозонди,- деди Президент Ислом Каримов. - Бугун ушбу ишонч ўзаро ҳамкорлигимиз равнақини таъминлабгина қолмай, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

***

Бухоро шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил октябрь -ноябрь ойларида Парижда ўтган 28-сессияси Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қароридан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Юбилей тантаналари 1997 йилда ЮНЕСКО раҳнамолигида жаҳон миқёсида кенг нишонланади.

***

Хива шаҳрининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларида Парижда ўтган 28-сессияси Хива шаҳрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қароридан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Хива шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Юбилей тантаналари 1997 йилда ЮНЕСКО раҳнамолигида жаҳон миқёсида кенг нишонланади.

***

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон - ватаним маним» мавзуида қушиқлар кўрик-танлови ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлди. Унда танловни ўтказишга масъул вазирликлар, идора ва ташкилотлар, компания ва уюшмалар, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, санъаткорлар қатнашишди.

Йиғилишни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошқарди.

***

Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги бош консулхонасида журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Словакиянинг Ўзбекистондаги бош консули Йозеф Мачишак икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожи ва Словакияда кечаётган ислоҳотлар жараёни ҳақида сўзлаб берди.



Бозор иқтисодиётининг ўз қоидалари бор. Фақаттина юқори малакали тадбиркорлик бор жойда зафар бўлиши тайин. Жиззах аккумулятор заводи бунга мисол бўла олади.

Бу корхона 1987 йилда қурилиб, мудофаа саноати учун аккумуляторлар етиштиришга мўлжалланган эди.

Энди эса аккумуляторларнинг икки тури ишлаб чиқарилмоқда. Бир тури радиоприёмниклар, радиоэлектрон қурилмалар учун, иккинчи тури эса ҳар хил двигателлар учун мўлжалланган йирикроқ аккумуляторлардир.

Завод маҳсулотларига нафақат республикада, балки МДХ ҳудудида ҳам эҳтиёж катта. Яқин кунларда автомобиллар учун аккумуляторлар чиқариш режалаштирилмоқда.

Ишнинг кўзини билган жамоа меҳнатидан топилган даромад анча салмоқли, баракали бўлди. Унинг бир қисми ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга ажратилмоқда. Завод ошхонасидаги нархлар пасайган. Янги жиҳозлар билан таъминланган поликлиника ва юқори сифатли сауна ишчиларга хизмат қилмоқда.

Суратларда: қолипловчи Анвар Равшанов; ишчилар аккумулятор йиғиш билан банд.

Иқтисодиёт хабарлари

ТУЗ КЎПАЙМОҚДА

ЖИЗЗАХ вилоятида аҳоли эҳтиёжи учун керакли бўлган маҳсулотларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун аввало савдо уйлари ташкил этилмоқда. Аҳолига гамхўрлик кўрсатиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, яқинда Жиззах шаҳрида «Жиззахтуз» савдо уйининг фаолият кўрсатишига рухсат этилди. Бу савдо уйи Сурхондарё вилоятидаги Хўжайикон туз ишлаб чиқариш бирлашмаси билан яқин алоқа боғлади. Натижала савдо уйи жамоаси жиззахликлар эҳтиёжи учун керак буладиган ош тузи ҳамда техник, чорва моллари учун махсус тузларни Шеробод туманидаги «Хўжайикон» туз конидан керагича олиб келади ва аҳолига сотади.

Бу қулайликдан жиззахликлар мамнун бўлишмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ИШ ЎРИНЛАРИ ҚИСҚАРМАДИ

Ҳозирги кунда кўпгина корхона ва ташкилотларда турли сабаблар билан иш ўринлари қисқариб кетаётганлиги сир эмас. Лекин Хива пахта тозалаш заводи бундан мустасно. Кейинги икки йил ичида битта ҳам ўрин қисқармади. Таъмирлаш ишлари муносабати билан завод ёз мавсумида вақтинча тўхтатилганда қўлгишт қўйиш йўлга қўйилиб, ходимларга ойлик маош тўланди. Шу билан бир қаторда ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Завод қошида 100 ўринли санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Жамоа аъзолари бошқа бир қатор имтиёзлардан ҳам фойдаланмоқдалар.

Шихназар АҲМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

САҲОВАТ

Навоий вилояти кўзи ожизлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси бозор иқтисодиётининг туб моҳиятини чуқур англаган ҳолда меҳнат қилиб, кўплаб турдаги истеъмол молларини халққа етказмоқда. Корхонада жорий этилган йил режаси мустақиллик байрами арафасида муваффақиятли бажарилган эди.

Яқинда корхона ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди. Навоий тоғ—металлургия комбинати мазкур кичик ишлаб чиқариш тармоғини ўз оталиғига олиб, унга «Раф» маркали кичик автобусни совға қилди.

Ҳазинатопарлар саховати корхона аҳлининг руҳини янада кўтариб қучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Жамоа аъзолари кўрсатилган бу эътибордан мамнун бўлиб халқ талабларини қондиришда янгидан-янги зафарлар қучишларини билдирдилар.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ ЧОРЛАМОҚДА

Тошкентдаги маданият ва истироҳат боғларида Янги йил муносабати билан арча байрамлари уюштирилмоқда. Хилма-хил томошалар болаларни хушнуд этмоқда: кўпдан кўп аттракционлар, кегельбан ишлаб турибди, лотерея ўйинлари, мусобақалар ва бошқа мароқли тадбирлар ўтказилаётир.

Пойтахт Ҳокимлигининг маданият ишлари бўйича Бош бошқармасидан мухбирингизга хабар беришларича, шаҳардаги аксарият оромгоҳларда, чунончи, «Ўзбекистон миллий боғи», «Меҳржон», «Бобур» ва бошқа маданият масканларида болалар учун жуда қизиқарли дастурларда Янги йил томошалари ташкил этилган. «Ассалом, Янги йил!», «Салом, қиш!, «Янги йил қувончлари», «Қорбобо — бизнинг меҳмонимиз» ва бошқа мавзулардаги томошалар жажжи фарзандларимизга олам-олам қувонч бахш этмоқда.

Л. МАЪДИЕВ.

ЁН-ЁН-ЁН, АРЧАЖОН!

Бу йилги арча байрами болалар қувончига қувонч қўшадиган тадбирларга бойдир. Мустақиллик майдони Янги йил томошалари ўтказиладиган марказга айланди. Шаҳардаги энг катта арча шу ерга ўрнатилган. Байрамона либосга бурканган майдон кўзни қувонтиради, дилларни хушнуд этади. Бу ерга келган ўғил-қизлар узларини худди эртакларда тасвирланган афсонавий шаҳарда кезиб юргандек ҳис қиладилар. Саф тортган савдо расталари, турли хил ўйинлар ва томошалар болажонлар қалбига бир олам қувонч бағишлайди. Бу ерда ота-оналари билан сталкашиб юрган кўпдан-кўп кичкинтойларни, шунингдек бошқа жойлардан келган меҳмонларни кўриш мумкин.

Арча байрами пойтахтимизнинг деярли барча майдонлари ва оромгоҳларида ўтказилаяпти. Бу ишга Тошкент шаҳри ва шаҳар туманларининг ҳокимликлари катта ҳисса қўшдилар.

Ф. ДОНИЕВ.

БИРЖА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республика агросаноат биржасида бўлиб ўтган савдога 202 миллион сўмлик мол-хомашёлар қўйилди. Уларнинг турлари бўйича сезиларли ўзгаришлар сезилмади. Бу эса биржада товар турларининг шаклланиб бўлганлигини кўрсатади. Товар группаларининг ҳар бир бўлими эҳтиёж катта бўлган молхомашё турларига доим эга. Фақат нархларда озгина тебранишлар бўлиб турибди. Қишлоқ хўжалиги шиналарининг нархи 2-3, ёғоч маҳсулотларининг баҳоси ҳам 1 фоизга кўтарилгани кузатилди. Металл прокатининг нархлари ўзгаргани йўқ. Бир тонна — арматуранинг нархи 19-20 минг, металл бурчаклар 20-21 минг, сув ва газ қувурлари эса 36 минг сўмни ташкил этмоқда.

x x x

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида бўлиб ўтган савдо ҳажми 27,01 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 35,50 сўм даражасида қайд этилди. Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш фаолиятларида сотиш ва харид қилиш қийматини мустақил ҳолда узлари белгилайдилар. Валютани аҳолидан харид қилишда воситачилик ҳақи олинмайди.

x x x

28 декабрь куни «Тошкент» қимматбаҳо қоғозлар биржасида оддий акциялар савдоси бўлиб ўтди. Унда 22 та ҳиссадорлик жамоалари узларининг 121063 та акция қоғозларини сотдилар.

Савдода «Узавтотранс» акциялари 1720 сўмдан, «Узмашинасозлик» ҳиссадорлик жамиятининг 15516 таси 860 сўмдан, «Қуқондонмаҳсулот» корхонасининг 29173 та акциялари ҳам 1720 сўмдан сотилди. Жами сотилган акциялар 123144070 сўмни ташкил қилди.

1996 йил 2 январь куни ҳам худди шундай савдо бўлди. Савдода 3 та акционерлик жамоалари қатнашдилар. Жами сотилган 1098 та оддий акциялар суммаси 1143560 сўм бўлди.

Касаба уюшмалари ҳаёти

АЗИЗ БОЛАЛАР УЧУН

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши болаларнинг қишки таътил кунларида мазмунли дам олиш учун ажойиб совға тайёрлади.

Жумладан, 1995 йилнинг 30 декабридан 1996 йилнинг 8 январигача «Технолог» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Камалак» (120 нафар бола), Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар Бошқарувининг «Семург» (300 нафар бола), «Алгоритм» бирлашмасининг «Эльбрус» (300 нафар бола) ва бошқа стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари базасида қишки оромгоҳлар ташкил этилди.

«Тошкентшаҳарйўловчи» бирлашмаси ушбу оромгоҳларга болаларни олиб бориши ҳамда олиб келиши учун автотранспорт воситалари билан таъминлайди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун Давлат автомобил назорати бошқармаси томонидан шаҳар ташқарисида жойлашган болалар дам олиш масканларига автотранспорт воситаларини кузатиб олиб бориш ҳамда олиб келиши ташкил этилди. Оромгоҳларга зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминланадилар ҳамда мураббийлар ва тиббиёт ходимларининг доимий назорати остида болаларнинг саломатлиги янада яхшиланади.

Улуғбек ПЎЛАТОВ.

ИШ РЕЖАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси Р. Т. Султонов олиб борди.

Назорат-тафтиш комиссия томонидан касаба уюшмаси Федерациясининг XV қурултойи қарорларининг бажарилиши ҳамда 1995 йил иш якунлари бўйича комиссия маслаҳатчиси Б. А. Ниёзов ахборот бердилар. Назорат-тафтиш комиссиясининг 1996 йил иш режаси ва тадбирлари тасдиқланди.

Мажлисда XV қурултой томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат ўрнатилганлиги таъкидланиб, тафтиш натижалари бўйича мансабдор шахслар иштироки таъминланмай, тафтиш натижалари ва унинг таъсир кучини оширишда қонунбузарлиқ ҳолларига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши талаб этилди. Бундан кейин назорат-тафтиш ишлари устидан масъул ходимлар назорати ўрнатилиши қайд этилди. Шунингдек, назорат-тафтиш комиссиясининг молия хўжалик фаолиятидаги мавжуд камчиликлар тўғрисида вақтли матбуотда ахборот бериб бориш талаб этилди.

С. БЎТАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг назорат-тафтиш комиссия раиси ўринбосари.

ОБ - ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

Ўзбекистон об-ҳаво бюросининг берган маълумотига қараганда 5-9 январ кунлари республика ҳудудида деярли ёғингарчилик бўлмайди. Аммо кейинги кунлари ёғингарчилик бўлиб, жойларда қорга айланиши мумкин. Ҳарорат кечалари 2 даража совуқ билан 3 даража илиқликдан, -1-6 даражагача пасайиб, кундуз кунлари 1 даража совуқликдан 14 даража илиқликкача кўтарилиши кутилади. Жанубий ҳудудларда эса ҳарорат кечалари 1-6 даража илиқликдан 3 даража совуққача пасаяди, кундуз кунлари 12-17 даража иссиқликдан тахминан 3-8 даражагача паст келиши кутилади. Шимолий ҳудудларда кечаси ҳарорат 1-6 даража совуқ билан 4-9 даража илиқликдан кундуз кунлари эса 0-5 даража совуқ-қача бўлади.

Келгуси ҳафтанинг мазкур кунлари қўёш фаоллигининг сўст бўлиши кутилади. Бунинг оқибатида осмонимиз узра об-ҳаво ўзгариб турганги билан ҳеч қандай «магнит бўронлари» содир бўлмайди. Шу боис сурункали касалликлари бўлган кишиларнинг безовталанишига асос йўқ. Кундалик иш, юмушлари билан ҳеч бир хавотирсиз шуғулланаверишлари мумкин. Саломат бўлинг!

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 1996 йил 26 декабрдаги мажлисида Ҳ.Жамоловнинг «Республика касаба уюшмаларининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда меҳнаткашлар ва болаларни соғломлаштириш борасидаги вазифалари тўғрисида» маърузаси баёни

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бугунги мажлиси куни кеча ўз ишини якунлаган Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясидан кейин ўтиши ўзига хос маъно касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг сессияда қилган маърузаси сессия қатнашчиларининг алоҳида диққат-эътиборига сазовар бўлди. Мазкур сессияда муҳокама этилган барча масалалар давлатимиз фуқаролари фаровонлик ва бунёдкорлик йўлида тинч меҳнат ва ижод билан шуғулланишлари учун шарт-шароитларни яратишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни сифат жиҳатдан яхшилашга қаратилди.

Ўтган 9 ой асосан республика касаба уюшмалари ишини XV қурултойда қабул қилинган янги Устав ва Ҳаракат дастури, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари билан бўлган учрашуида баён қилган тавсиялари ва таклифларига мувофиқ қайта қуришга бағишланди.

Бугун сизнинг муҳокамангизга қўйилган масала касаба уюшмалари ишининг асосий йўналишларидан биридир. Меҳнаткашларни, уларнинг оила аъзоларини ва болаларни соғломлаштириш, касаба уюшмалари санаторийлари, дам олиш уйлари, санаторий-профилакторийлар, болалар соғломлаштириш лагерлари, спорт мактабларини бошқариш, улар ишини қўллаб-қувватлаш ташкил қилиш касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятининг энг муҳим соҳаси бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши керак.

Бугун биз пленумда кейинги вақтларда юз берган вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, энг муҳим ижтимоий вазифамизни бажаришда касаба уюшмаларининг ишини танқидий баҳолашимиз, янги бозор муносабатлари шароитларида соғломлаштириш ишини такомиллаштириш йўлларини белгилаб олишимиз керак.

Меҳнаткашларни санаторий-курортларда даволаш соғломлаштиришнинг энг асосий ва таъсирчан қуролишидир. Ҳозирги кунда республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг санаторий-курортлар бирлашмаси қарамоғида 6220 ўринли 17 санаторий ва 730 ўринли 3 та дам олиш уйи бор.

Кейинги уч йил ичида бу оромгоҳларда 250 минга яқин киши соғломлаштирилди. Бунинг учун давлат ижтимоий суғуртасидан ҳозирги нарх-наво ҳисобида 1 млрд. 250 млн. сўм сарф қилинди.

Бизнинг кўпгина санаторийларимиз, шу жумладан «Чортоқ», «Чимён», «Чиновод», «Оқтош», «Тўрон», «Бўстон» меҳнаткашларимизни соғломлаштиришда янгича ишлаб, уларнинг миннатдорчилигига сазовар бўлмоқдалар.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, соғломлаштириш миқёслари йилдан-йилга камайиб бормоқда. Агар 1993 йилда 100 минга яқин киши санаторийларда ўз соғлигини яхшилаган бўлса, 1995 йилга келиб бу кўрсаткич 75 минга тушиб қолди. Бунинг сабаби нимада?

Нотиқ ушбу сабабларни батафсил таҳлил этиб, айниқса турли хизматлар, озиқ-овқат нархларининг ошиши туфайли соғломлаштириш муассасаларида бандлик даражаси пасайиб бораётганлиги, кўрсатилаётган хизматлар учун тўловлар вақтида амалга оширилмаслиги, бу борада маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорлик суслиги масалаларига тўхталди.

Республикамизнинг ноёб табиий-иқлим шароити, унинг шифобахш сув заҳираларига бойлиги соғломлаштириш билан боғлиқ ҳамма вазифаларни ҳал қилиш, кўп касалликларни даволаш имконини беради, — дея давом этди Ҳ.Жамолов.

Шу вазифани ҳисобга олиб, биз охирги 2-3 йил ичида ўз санаторийларимизда даволаш тур-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Республика касаба уюшмаларининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда меҳнаткашлар ва болаларни соғломлаштириш борасидаги вазифалари тўғрисида»ги қарорининг шарҳи

Республика касаба уюшмалари меҳнаткашларни, айниқса, уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор бериб келадилар. Улар бу ишни мамлакатда «Соғлом авлод учун» дастурининг изчил амалга ошириб борилишига салмоқли ҳисса қўшиш шиори остида олиб бораяптилар. Жумладан, кейинги йилларда қарийб 250 минг киши санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштирилди. Бизги дам олиш мавсумларида эса 3 миллионга яқин болалар ва усмирлар дам олиб, соғликларини тиклашди. Минглаб болалар турли спорт мактабларида жисмоний чиниқмоқдалар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши II мажлиси «Янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда меҳнаткашлар ва болаларни соғломлаштириш борасида республика касаба уюшмаларининг вазифалари тўғрисида» қабул қилган қарорда юқоридагиларни қайд этиш билан бирга, бу борадаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди. Касаба уюшмаси ташкилотлари,-дейилади жумладан қарорда,-мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана билмасликлари, ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилмаётганлиги, ижро интизоми кўнгилдагидек эмаслиги, соғломлаштиришни уюштиришга янгича ёндошилмаётганлиги, утиш давридаги узига хос бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар натижасида коммунал хўжалик, электр қуввати, озиқ-овқат маҳсулотлари: дори-дармонлар ва йўлланмалар нархининг бир неча бор ортиб кетиши, моддий- техник заҳираларнинг етишмаслиги ва ижтимоий суғурта маблағлари ўз вақтида жамланмаслиги туфайли соғломлаштириш талбирлари, соғломлаштириш муассасаларининг сони қисқариб бормоқда.

Юқорида кўрсатилган ва бошқа қатор камчиликларга барҳам бериш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари зиммасига ҳокимликлар, ҳиссадорлик кенгашлари ва бошқа тижорат тарқиблари, жамоатчилик ҳайрия жамғармалари билан мустаҳкам алоқада ишлашни, касаба уюшмалари соғломлаштириш муассасаларига амалий ёрдам кўрсатиш, маҳаллий бошқарув органларида улар манфаатларини ҳимоялаш, шу соҳа кадрларини тайёрлаш ва танлашда бевосита иштирок этиш вазифаларини юклади.

Шу муносабат билан қарорда аҳолининг санаторий-курорт тармоқларида шифоланишга бўлган эҳтиёжларини пухта ўрганиш, шу асосда шаклланадиган буюртмаларнинг кўламларини аниқлаш, умуман илмий асосларда ишлашни ташкил этишнинг аҳамияти кўрсатиб берилди. Касаба уюшма органлари маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда амалдаги стационар ва мавсумий оромгоҳларни сақлаб қолиш, уларда экологик ҳалокат минтақаларидаги болаларни соғломлаштириш учун маҳаллий бюджетлардан маблағ ажратишни кўзда тутувчи дастурни ишлаб чиқишлари керак. Балансида спорт иншоотлари бўлган касаба уюшма кенгашлари ва қўмиталарига спорт базаларини тайёрлаш, таъминлаш ва улардан фойдаланишда ҳамкорликнинг шартномавий шаклларилан кенг фойдаланиш тавсия этилди. Айни пайтда касаба уюшмалари барча органларида умумий интизом, молия интизомини мустаҳамлаш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон КУФК қошидаги санаторий-курорт бирлашмасига уч ой муддатда санаторий-курорт бирлашмасининг, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси санаторийларининг янги Низоми ва структураси: Федерация кенгаши билан ижара ҳақидаги тўлдирилган, қайта ишланган шартнома лойиҳасини, бирлашмага қарашли санаторийларни таъмирлаш ва янгиларни қуришнинг дастурини ҳамда касаба уюшмаси томонидан йўлланмалар олиш ва тарқатиш тартибини ишлаб чиқиб, Федерация кенгашига тақдим қилиш топширилди. Шунингдек, санаторийларни иқтисодий қийинчиликлардан чиқариш мақсадида янгича иш усулларини қўриб чиқиш, тажриба тариқасида бир-иккита санаторийни акционерлик жамиятлари ёки йирик корхоналар билан ҳамкорликда қўшма корхонага айлантириш ҳамда баъзи санаторийларни республика мақомидан чиқариб, вилоятлар тасарруфига ўтказиш ҳақидаги таклифларни киритиш вазифаси юклатилди.

Қарорда «Ўзбекистон» жисмоний тарбия-спорт жамияти Марказий кенгаш зиммасига икки ой муддат ичида жамиятнинг янги Низоми ва тузилмасини ишлаб чиқиш, болалар ва усмирлар олимпия резервлари махсус спорт мактабларидаги ўқув-машқ ишлари даражасини муттасил кўтариб бориш, стадионлар ва йирик спорт иншоотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда Республика давлат спорт қўмитаси, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, касаба уюшма органлари билан ҳамкорликда ишлаш вазифаси юкланди. Шу билан бирга В.С.Митрафанов номидаги сув спорти саройини қайта таъмирлаш ва уни уз вақтида фойдаланишга топшириш устидан назоратни таъминлаш, мазкур иншоотга қўшимча маблағ ажратиш мақсадида ҳомийларни жалб этиш чораларини излаб топишга эришиш зарурлиги таъкидланди.

Қарорда, шунингдек, меҳнаткашлар ва болаларни соғломлаштириш билан боғлиқ тадбирлар мажмуининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган чоралар ҳам алоҳида кўрсатиб берилган.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ – ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларини кенгайтира бошладик. Вилоят ҳокимликларининг катта ёрдами билан Қашқадарё вилоятида «Мироқи» ва «Қашқадарё соҳили», Андижон вилоятида «Марҳамат» санаторийларини ишга туширдик. Лекин санаторийларимизнинг имкониятлари хали ҳам республика меҳнаткашлари талабини тўла қондириш учун етарли эмас.

Оромгоҳларимиз яхши ишлаши республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Санаторий-курортлар бирлашмаси фаолиятини ташкил этишга бевосита боғлиқ.

Авваломбор, республикада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни ҳисобга олиб, бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган тадбирларни амалга оширишимиз лозим. Хўжалик ҳисобида иш олиб бораётган санаторийларга иқтисодий эркинлик бериш, баъзи бирларини вилоят касаба уюшмалари ихтиёрига ўтказиш, иқтисодий қийинчиликдан чиқариш мақсадида бир-иккитасини тажриба тариқасида ҳиссадорлик жамиятига ёки ёрик корхоналар билан биргаликда қўшма корхонага айлантириш йўлларини кўриб чиқишимиз лозим. Бу ҳақда биз бир неча бор гап юритганмиз, лекин амалда ҳали ҳеч қандай ўзгариш сезилмаётир.

Биз ишлаб турган санаторийларимизда меҳнаткашларга кўрсатилаётган хизматларимиз сифатини яхшилаш керак. Бошланган ёки янги қурилишларимизни тамомлаш учун инвесторлар, шериклар топишимиз зарур. Мана, ўзаро келишилгандан сўнг Навоий «Қизилқумнодир метал» раҳбарияти «Бўстон» санаторийсидаги 100 ўринлик урологик касалликларини даволаш корпуси харажатининг 25 фоизини ўзига олди. Шундай корхоналарни бошқа вилоятларда ҳам топса бўлади. Бунинг учун вилоят кенгашларимиз, тармоқ марказий қўмиталаримиз, авваломбор, Санаторий-курорт бирлашмамизнинг хоҳиши ва амалий иши керак.

Санаторий-курорт ташкилотларида меҳнаткашларни соғломлаштириш фақат касаба уюшмаларигина эмас, балки ҳамма вазирликлар, хўжалик раҳбарлари, маҳаллий идора ва қўпгина жамоа ташкилотларининг вазифасидир. Шуни ҳисобга олиб, санаторий-курортларнинг ривожланиши республикамизнинг табиий-иқлим шароитидан, унинг шифобахш сув заҳираларидан фойдаланиш давлат ва ҳукумат томонидан қонуний йўлга қўйилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун, бизнинг фикримизча, мустақил Узбекистон Республикаси ўзининг «Табиий даволаш ресурслари, соғломлаштириш жойлари ва курортлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилиши ва санаторий-курортларда соғломлаштиришнинг ягона жамоатчилик-давлат дастурини ишлаб чиқиши даркор.

Меҳнаткашларни соғломлаштиришнинг иккинчи йўналиши, бу — санаторий-профилакторийларимизнинг иши билан боғлиқ.

Республиканинг қонун ва меёрий ҳужжатлари, мулк шаклларидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг ижтимоий инфраструктурасини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар яратади. Шу туфайли 1991 йилга нисбатан бизда санаторий-профилакторийлар сони қисқарибгина қолмай, балки 171 дан 181 тага кўпайди, улардаги ўринлар сони 14 мингдан 15 мингта етди. Биз буларда ҳар йили ўрта ҳисобда 150 минг кишини даволаймиз ва бунга 220 млн. сўм харажат қиламиз.

Қўпгина тармоқ, вилоят касаба уюшмаларимиз, хўжалик раҳбарлари ва бошланғич ташкилотларимиз иқтисодий қийинчиликларга қарамай, санаторий-профилакторийларимиздан унумли фойдаланишмоқда.

Нотиқ Навоий ГРЭСи, Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик бирлашмаси, «Алгоритм», «Тоштекистилмаш», Тахиатош ГРЭСи, Каттақўрғон пахта тозалаш заводида соғломлаштиришни самарали ташкил этиш тажрибаларини гапириб берди. «Андижонкон», «Шуртангаз» комбинатларида маъмурият билан касаба қўмлар ҳамкорлиги самараларига тўхталди.

— Шу билан бирга соғломлаштиришнинг мазкур шаклини ташкил этишда қатор муаммолар, зиддиятли ҳолатлар ҳам йўқ эмас, — дея давом этди у. — Қўпгина санаторий-профилакторийларимизда даволанувчиларнинг сони аввалги йилларда 190 минг бўлган бўлса, 1995 йилда бу рақам 177 мингни ташкил этди. Фақатгина агросаноат мажмуида дам олувчилар сони 14 минг кишига камайди. Машинасозлик тармоғидаги аҳвол ҳам яхши эмас. Андижон вилоятида эса бу йилнинг ўзида 17 санаторий-профилакторийдан 15 таси ўз ишини тўхатиб қўйди.

Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари, автотранспорт, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, машинасозлик ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмиталари профилакторийларда соғломлаштириш режаларини бажармаётирлар.

Айрим вилоят ва тармоқ касаба ташкилотлари, Федерация номига профилакторийларда соғломлаштириш режаларини қисқартириш ҳақида таклифлар ҳам киритиб турадилар.

Янги бозор шароитларида ижтимоий соҳа иншоотларидан, жумладан, профилакторийлардан қутулиш, уларни савдо-сотиқ таркибларига пуллашга бўлган уринишлар айниқса ташвиш туғдиради. Биз бунга асло йўл қўймаслигимиз керак. Мулк шакллари ўзгарган тақдирда, жумладан, ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилаётганда ижтимоий йўналишдаги иншоотлар меҳнат жамоалари ва уларнинг уюшмаларига бепул ўтказилиши қонунларимизда кўзда тутилган.

Ҳатто корхона инқирози эълон қилиниб, кимошди савдосида сотилган тақдирда ҳам тармоқ ва вилоят касаба ташкилотлари маблағларни бирлаштириш ҳисобига ижтимоий инфраструктура иншоотларини ўз қўлларида сақлаб қолишга ҳаракат қилишлари лозим.

Тармоқ МҚ, вилоятлар кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари янги иш усулларини ўзлаштириши, ҳокимиятлар, янги хўжалик идоралари — ҳиссадорлар кенгашлари ва бошқа тижорат таркиблари, жамоатчилик ҳайрия жамғармалари билан яқин алоқада ишлаши керак.

Шундагина биз соғломлаштириш базаларини сақлаб қоламиз ва ривожлантира оламиз. Бу масалалар жамоа шартномалари ва битимларга энг муҳим моддалар сифатида киритилиши, уларни касаба ташкилотлари қаттиқ назорат қилиб боришлари лозим.

Нотиқ касаба уюшмалари олдида турган болаларни соғломлаштириш вазифасига алоҳида тўхталди.

Касаба уюшмаларининг ҳукумат органлари, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва ҳокимликлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги туфайли болаларни ёзги дам олдириш ишлари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Барча қийинчиликларга қарамай, 1991-1995 йилларда республикада 2 милллион 700 минг болалар ва ўсмирлар соғломлаштирилди.

Оролбўйи болаларини соғломлаштиришга илгаригидай ҳозир ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги беш йил ичида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан 38 мингдан ортиқ бола Тошкент вилояти лагерларида бепул даволанди ва дам олдирилди. «Технолог», «Тошкент авиасозлик», «Узбеккабель», «Алгоритм» бирлашмалари, «Шарқ» нашриёт-полиграфия концерни касаба қўмиталари ва маъмурияти, алоқа, геология, нефть ва газ, металлургия ходимлари касаба уюшмалари МҚ, темир йўл, ҳаво йўллари, автотранспорт ташкилотларининг раҳбарлари бу ҳайрли ишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Федерация кенгашининг қарори билан неча йилдирки, ота-оналар йўлланма нархининг атиги 10 фоизни тўлайдилар, йўлланмаларнинг 50 фоизи етим болаларга, болалар уйида тарбияланувчиларга, ночор оиларга бепул берилади.

Болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этишнинг қанчалик оғирлигини ҳамма билади. Лекин бу ишнинг ниҳоятда муҳимлиги ва аҳамиятини, ўз масъулиятини чуқур ҳис этган, тушунган касаба қўмиталарининг раҳбарлари ҳокимликлар, хўжалик ва жамоат тузилмалари билан яқин ҳамкорликда ишлаб, бу муаммони ҳал этишнинг янги йўл-йўриқларини топмоқдалар, қўшимча имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Қўпгина вилоятларда лагерларни ремонт қилиш, инвентарлар, олиш, коммунал хизматларга кетган сарф-харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун маҳаллий бюджетдан зарур маблағ ажратиб туради. Андижонда вилоят касаба уюшмалари кенгаши ҳокимлик билан биргаликда болаларни соғломлаштиришнинг 2000 йилгача мўлжалланган дастурини ишлаб чиқди. Солиқ имтиёзлари, лагерларнинг электр, газ, коммунал ва транспорт хизмати учун тўланадиган ҳақларнинг камайтирилиши ҳисобига болаларнинг ёзги дам олиши учун яхши шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бундай ташаббуслар бошқа вилоятларда, айниқса, меҳнат жамоаларимизда жуда кўп. Лекин бугун болаларни соғломлаштириш лагерлари шохобчаларининг ишларида камчиликлар, молиявий қийинчиликлар, уларда дам оладиган болалар сонининг камайиб бориши сингари ташвишли тенденциялар ҳам йўқ эмас. Кейинги 5 йил ичида, мактаблар қошидаги лагерларни ҳисобга олмаганда, стационар соғломлаштириш лагерлари сони республика бўйича 665 тадан 557 тага тушиб қолди, шу жумладан шаҳардан ташқаридаги 60 лагер, бунинг ичида санаторий типдаги 11 лагер ёпилди.

Лагерларда соғломлаштирилаётган болалар сони ҳам камайиб, 1991 йилги 683 мингдан бу йил 395 мингга тушди. Мактаб ёшидаги ўсмирларни ёзги соғломлаштириш мавсумига жалб этиш 16 фоиздан 10 фоизга камайди.

Навоий, Қашқадарё, Жиззах вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бу борада эришилаётган натижалар мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан анча паст.

Касаба уюшмалари томонидан назорат суст бўлган айрим вилоятларда хўжалик раҳбарлари лагерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишга уринишмоқда. Масалан, Косонсой туманида жойлашган «Узбекистон 50 йиллиги» лагерида ферма ташкил қилиниб, унда мол боқилмоқда. Чуст туманидаги «Сўлим» лагери шахсий уй-жойлар қуриш учун берилган.

Касаба ташкилотлари бундай аҳволга нисбатан ҳамиша муросасиз бўлишлари керак. Улар ҳар бир болалар соғломлаштириш масканининг ёпилишига ёки унинг профили ўзгаришига фавқулодда бир ҳодиса деб қарашлари лозим.

Болалар дам олиш лагерларига эга бўлмаган қўпгина корхоналар, ташкилотлар, муассасалар билан ҳамкорликда уларнинг болаларини ҳиссадорлик асосида дам олдириш йўлини кўриб чиқиш керак.

Қўпгина вилоятларимизда болаларни соғломлаштириш лагерларини жиҳозлаш, дори-дармонлар, спорт ашёлари, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари яхши йўлга қўйилмаган. Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Қарши қурилиш бирлашмасининг «Чашма», Яккабоғ туманидаги Агроқурилиш ташкилотининг «Ёшлик» лагерларида керакли бўлган 39 хил дори-дармондан атиги йод, бинт, нашатир спирти, вазелин, валидол ва синтамицин ёғи бор эди, холос.

Айрим болалар оромгоҳларида тарбиявий ишлар, интизом талабга жавоб бермайди. Бунинг оқибатида шу йилнинг ўзида Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги «Фарҳод» ва «Ёш цементчи» болалар лагерларида бахтсиз ҳодисалар рўй берди.

Юқорида айтилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун биз бугун болалар ёзги соғломлаштириш муассасаларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг энг муҳим тадбирларини белгилаб олишимиз зарур. Биринчидан, касаба уюшмалари ҳар бир лагерни очилиш олдидан эмас, йил давомида ҳисобга олишлари ва қатъий назорат қилиб боришлари керак. Ҳозир қиш даврида пайсалга солмай корхоналар маъмурияти, ҳокимликлар билан бирга уларни қандай қилиб, қайси маблағлар ҳисобига таъмирлаш ҳусусида узил-кесил келишиб олишимиз керак. Зарур бўлса, қўшни меҳнат жамоаларининг маблағларини бирлаштириш, шунингдек қўпгина жамоатчилик жамғармалари, биринчи навбатда «Соғлом авлод учун» жамғармаси, ҳомийлар билан кенг қўламда ҳамкорлик қилишимиз лозим.

Иккинчидан, 1996 йилга тузиладиган жамоа шартномалари ва битимларда меҳнаткашларни, айниқса болаларни соғломлаштиришга оид пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

Шунингдек, ҳукумат органлари ва касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш бўйича тузилган комиссияларнинг доимо ишлашлари хусусида ҳукуматга таклиф киритишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Мактаб қошидаги лагерлар масаласини ҳам ҳал қилиб олишимиз керак. 1991 йилга нисбатан уларнинг сони 2373 тадан 423 гача камайиб кетди, уларга қатнаган болалар сони эса кескин қисқарди.

Мактаб ўқувчилари ёзги дам олишларининг бу шакли хусусида ҳар хил фикрлар билдирилмоқда. Лекин биз Узбекистон Халқ талими вазирлиги, ҳокимликлар билан биргаликда бу масала хусусида аниқ бир ечимга келишимиз керак. Агар уларга овқатланиш, тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланса, ёз даврида уларга яшил зоналар, спорт майдончалари бириктириб қўйилса, маданий хизмат кўнгилдагидай бўлса, мактаб қошидаги лагерларда шаҳардаги қўпчилик болалар мароқли дам олишлари мумкин.

Республика касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни жисмоний тарбия ва спорт воситалари ёрдамида соғломлаштириш масалаларига тўхталиб, нотиқ қуйидаги рақамларни келтирди: ҳозирги кунда касаба уюшмалари ихтиёрида 200 дан ортиқ стадион, 400 та яқин спортзал, 100 та яқин сузиш ҳавзалари, 7 мингдан зиёд турли спорт иншоотлари бор. Спорт жамиятларимизда бир миллиондан ортиқ киши шуғулланади.

126 болалар-ўсмирлар спорт мактабларида 40 мингга яқин бола таълим олади. Спорт мактабларимиздан 9 таси Олимпия командаларига резерв тайёрлашга мўлжалланган. Федерациямизнинг «Узбекистон» жисмоний тарбия-спорт ташкилоти Республика спорт комитети, вазирликлар, тармоқ касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кейинги икки йил ичида Андижонда қишлоқ спортчиларининг ўйинларини, Самарқандда «Универсида-94», Сурхондарёда қишлоқ аёллари спартакиадаларини ўтказди.

Касаба уюшмалари Федерацияси, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Республика спорт комитетининг публикасида бу борада эришилаётган натижалар мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан анча паст.

Касаба уюшмалари томонидан назорат суст бўлган айрим вилоятларда хўжалик раҳбарлари лагерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишга уринишмоқда. Масалан, Косонсой туманида жойлашган «Узбекистон 50 йиллиги» лагерида ферма ташкил қилиниб, унда мол боқилмоқда. Чуст туманидаги «Сўлим» лагери шахсий уй-жойлар қуриш учун берилган.

Касаба ташкилотлари бундай аҳволга нисбатан ҳамиша муросасиз бўлишлари керак. Улар ҳар бир болалар соғломлаштириш масканининг ёпилишига ёки унинг профили ўзгаришига фавқулодда бир ҳодиса деб қарашлари лозим.

Болалар дам олиш лагерларига эга бўлмаган қўпгина корхоналар, ташкилотлар, муассасалар билан ҳамкорликда уларнинг болаларини ҳиссадорлик асосида дам олдириш йўлини кўриб чиқиш керак.

Қўпгина вилоятларимизда болаларни соғломлаштириш лагерларини жиҳозлаш, дори-дармонлар, спорт ашёлари, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари яхши йўлга қўйилмаган. Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Қарши қурилиш бирлашмасининг «Чашма», Яккабоғ туманидаги Агроқурилиш ташкилотининг «Ёшлик» лагерларида керакли бўлган 39 хил дори-дармондан атиги йод, бинт, нашатир спирти, вазелин, валидол ва синтамицин ёғи бор эди, холос.

Айрим болалар оромгоҳларида тарбиявий ишлар, интизом талабга жавоб бермайди. Бунинг оқибатида шу йилнинг ўзида Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги «Фарҳод» ва «Ёш цементчи» болалар лагерларида бахтсиз ҳодисалар рўй берди.

Юқорида айтилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун биз бугун болалар ёзги соғломлаштириш муассасаларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришнинг энг муҳим тадбирларини белгилаб олишимиз зарур. Биринчидан, касаба уюшмалари ҳар бир лагерни очилиш олдидан эмас, йил давомида ҳисобга олишлари ва қатъий назорат қилиб боришлари керак. Ҳозир қиш даврида пайсалга солмай корхоналар маъмурияти, ҳокимликлар билан бирга уларни қандай қилиб, қайси маблағлар ҳисобига таъмирлаш ҳусусида узил-кесил келишиб олишимиз керак. Зарур бўлса, қўшни меҳнат жамоаларининг маблағларини бирлаштириш, шунингдек қўпгина жамоатчилик жамғармалари, биринчи навбатда «Соғлом авлод учун» жамғармаси, ҳомийлар билан кенг қўламда ҳамкорлик қилишимиз лозим.

Иккинчидан, 1996 йилга тузиладиган жамоа шартномалари ва битимларда меҳнаткашларни, айниқса болаларни соғломлаштиришга оид пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган тадбирлар кўзда тутилиши лозим.

Шунингдек, ҳукумат органлари ва касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш бўйича тузилган комиссияларнинг доимо ишлашлари хусусида ҳукуматга таклиф киритишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Мактаб қошидаги лагерлар масаласини ҳам ҳал қилиб олишимиз керак. 1991 йилга нисбатан уларнинг сони 2373 тадан 423 гача камайиб кетди, уларга қатнаган болалар сони эса кескин қисқарди.

Мактаб ўқувчилари ёзги дам олишларининг бу шакли хусусида ҳар хил фикрлар билдирилмоқда. Лекин биз Узбекистон Халқ талими вазирлиги, ҳокимликлар билан биргаликда бу масала хусусида аниқ бир ечимга келишимиз керак. Агар уларга овқатланиш, тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланса, ёз даврида уларга яшил зоналар, спорт майдончалари бириктириб қўйилса, маданий хизмат кўнгилдагидай бўлса, мактаб қошидаги лагерларда шаҳардаги қўпчилик болалар мароқли дам олишлари мумкин.

Республика касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни жисмоний тарбия ва спорт воситалари ёрдамида соғломлаштириш масалаларига тўхталиб, нотиқ қуйидаги рақамларни келтирди: ҳозирги кунда касаба уюшмалари ихтиёрида 200 дан ортиқ стадион, 400 та яқин спортзал, 100 та яқин сузиш ҳавзалари, 7 мингдан зиёд турли спорт иншоотлари бор. Спорт жамиятларимизда бир миллиондан ортиқ киши шуғулланади.

126 болалар-ўсмирлар спорт мактабларида 40 мингга яқин бола таълим олади. Спорт мактабларимиздан 9 таси Олимпия командаларига резерв тайёрлашга мўлжалланган. Федерациямизнинг «Узбекистон» жисмоний тарбия-спорт ташкилоти Республика спорт комитети, вазирликлар, тармоқ касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кейинги икки йил ичида Андижонда қишлоқ спортчиларининг ўйинларини, Самарқандда «Универсида-94», Сурхондарёда қишлоқ аёллари спартакиадаларини ўтказди.

Касаба уюшмалари Федерацияси, Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Республика спорт комитетининг биргаликда яқинда Тошкент шаҳрида ўтказган ногиронларнинг биринчи Республика спартакиадаси кенг жамотчилик томонидан юқори баҳоланди. Бу йирик тадбирларимизни ўтказишда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари бизга катта амалий ёрдам беришди ва қўллаб-қувватлашди. Бизнинг жамоаларимизда тарбиялаб етиштирилган қўпгина спортчиларимиз йирик халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, совриндор ўринларни эгаллаётганликларини ҳаммамиз яхши биламиз. Мустақил Узбекистон спортига биринчи олимпия медалини келтирган Лина Чиряева, Хиросимадаги ўйинларда олтин медаллар билан мукофотланган эшкакчиларимиз Иван Киреев, Андрей Колганов, Оксана Яригина, Осиё чемпионлари — Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ўйинчилари акаука Дўрмоновлар, Андрей Федоров, Сергей Лебедев ва бошқалар номларини бутун республика мухлислари яхши биладилар.

Шу билан бирга, молиявий ва иқтисодий тангликлар, бу билан боғлиқ бошқа муаммолар қўпгина спорт секцияларимиз, айниқса саноат корхоналаридаги секциялар қисқариб кетишига олиб келаётир. Натижада уч йил ичида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони 100 мингта, болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг ўқувчилари эса 20 мингта камайди.

Бундай ҳол, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент, Самарқанд, Жиззах вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида қўзга ташланади. Касаба уюшмаларида бундан бир неча йил илгари жуда яхши ривожланган спортнинг турлари, шу жумладан баскетбол, волейбол, қўл тўпи, сузиш, сув полоси, ҳозирги кунларда йўқ бўлиб кетиш олдида десак хато қилмаган бўламиз.

Қўпчилик спорт иншоотларимизнинг ҳам бугунги аҳволи, уларнинг жиҳозланиши талабга жавоб бермайди. Уларнинг айримларини бошқа ташкилотларга бериб юбориш ёки сотиш, бошқа мақсадларда ишлатилиши ҳоллари ҳам содир бўлганини биламиз.

Республикада спортни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келган Митрофанов номли сув-спорт саройининг бугунги аҳволи айниқса ташвишлидир. Ҳозир бу иншоотни таъмирлаб, ишга тушириш учун камида 100 миллион сўм маблағ керак.

Касаба уюшмалари спортининг бундай аҳволга тушиб қолишига фақат молиявий-иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлди десак, бу нотўғри бўлади, албатта.

Бунга сўбъектив сабабалар ҳам катта таъсир кўрсатаётир. Авваламбор, республикада иқтисодий ислоҳотлар 3-4 йилдан бери амалга оширалаётган бир пайтда «Узбекистон» жисмоний тарбия-спорт жамиятимиз Иттифоқ даврида жорий этилган, фақаттина дотация орқали ишлайдиган низомлар билан ишлаб келмоқда.

Ҳолбуки, баъзи бир вилоят ва тармоқларда бозор иқтисодига мос келадиган янги иш услублари ҳам самарали қўлланилмоқда.

Фарғона вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг илтимосига кўра Фарғона шаҳридаги «Спартак» стадиони Фарғона нефтни қайта ишлаш бирлашмаси касаба қўмитаси тасарруфига ўтказилди. Касаба қўмитаси корхона маъмурияти билан тузган жамоа шартномасида стадион ҳодимларининг иш ҳақидан тортиб, уни таъмирлаштача бўлган ҳамма ҳаражатлар корхонанинг соф даромадидан қопланадиган бўлди. Узбекистоннинг бир неча бор чемпиони — «Нефтчи» командасини шу бирлашма қўллаб-қувватлаб турибди. Ҳамма болалар-ўсмирлар спорт мактаблар, «Узбекистон» жисмоний тарбия-спорт жамиятининг вилоятдаги барча таркиблари аввалгидай стадиондан фойдаланишмоқда. Болаларни, меҳнаткашларни, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш билан боғлиқ турли тадбирлар, студентлар, ногиронлар спартакиадаларини ўтказиш учун стадион касаба ташкилотлари, спорт комитетига бепул берилади.

Фарғона вилоятидаги ҳамма шаҳар-туман ҳокимликлари, хўжалик органлари бу стадионда спорт, маданий-оммавий тадбирларини, «Наврўз», «Ҳосил байрамлари»ни мунтазам ўтказиб туришади. Мана шуни ҳисобга олиб, вилоят ҳокимлиги ҳар йили бу спорт иншоотига қўшадиган ҳиссасини белгилаб беради.

Бундай тажриба Андижон, Навоий, Наманган вилоятларида ҳам бор. Тошкент трактор заводи бирлашмаси, Навоий ва Олмалиқ конметаллургия комбинати, Тошкент самолётсозлик бирлашмаси маъмуриятлари жисмоний тарбия-спорт иншоотларини маблағ билан таъминлашни, тренер ва ўқитувчилар, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ҳақини тўла ўз зиммаларига олганлар.

Митрофанов номидаги спорт саройининг раҳбарлари ҳам республика спорти учун зарур бўлган объектни сақлаб қолиш, унинг ишини яхши йўлга қўйиш имкониятларини топишлари керак. Бу таклиф «Буревестник» теннис корти, қўпгина вилоят марказларида жойлашган стадионларга ҳам тегишлидир.

Қўпгина тармоқ касаба уюшмаларимиз ҳам кейинги йилларда спорт-жисмоний тарбия ишлари билан тегишли равишда шуғулланмай қўйдилар. Илгари корхоналарда 1420 та спорт инструкторлари ишлар эди. Улардан ҳозир 1000 га яқин киши қолган, холос. Тармоқ касаба уюшмалари ўзининг спорт жамиятлари, спорт клублари билан спартакиадалар, ҳар хил турнирлар ўтказиб, корхоналарда бу ишга бош бўлиб туришар эди. Ҳозир бу ишлар анча сусайиб кетган. Биз ўйлаймизки, бунга сабаб, марказий қўмиталаримизнинг «Узбекистон» спорт ва жисмоний тарбия уюшмаси билан алоқалари бўшашиб кетганлигидир.

Узбекистон КУФ кенгашининг раиси маъруза давомида соғломлаштириш ишларини ривожлантиришда давлат ижтимоий суғуртасидан жамғариладиган бюджет хусусида тўхталди.

— 1996 йил — Олимпия ва Осиё ўйинлари йили. Бу ўйинларда қатнашадиганлар мустақил Узбекисоннинг терма жамоаси таркибида касаба уюшмалари спортчиларининг ҳам салмоқли улуши бўлиши керак. Ўтган икки йил шуни кўрсатаётирки, давлат ижтимоий суғурта бюджетини жамлаб олиш, уни белгиланган ишларимизга харажат қилдириш ишлари анча мураккаблашиб кетди, деди у. Бунинг объектив сабабларини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин ўзимизга боғлиқ бўлган сабаблар ҳам оз эмас. Авваламбор, бизнинг вилоят касаба уюшмалари ва бюджет билан шуғулланадиган тармоқ касаба уюшма марказий қўмиталари ўз олдиларида турган вазифага бир хил масъулият билан қарамайдилар.

Шу йилнинг 9 ойида Наманган, Самарқанд, Тошкент вилоятлари бюджетнинг даромад қисмини 88-83 фоизга бажарган бўлсалар, Андижон, Жиззах, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этади, холос. Тармоқ касаба уюшмаларида, тадбиркорлар касаба уюшмасида ҳам аҳвол худди мана шундай. Бунинг натижасида касаба уюшмаларига тушиши керак бўлган маблағнинг қарийб 390 млн. суми бюджетга тушмади.

Қўпгина вилоят ва тармоқ касаба уюшмалари республика дастурлари ва тадбирларига харажат этиладиган маблағларни Федерацияга ўз вақтида ўтказмаётирлар.

15 декабрга бўлган маълумотларга кўра Федерацияга тушиши керак бўлган 166704 минг сўмдан атиги 50111 минг сўм тушган, холос.

Бу аҳволда биз қандай иш олиб боришимиз мумкин?

Капитал қурилиш, спорт мактабларига бериладиган маблағлар қаердан олиниши керак? Бунга ким жавоб беради?

Бизда бир неча санаторийларимизнинг қурилишлари тўхтаб қолган. Бу қурилишларни охирига етказишга маблағ керакми? Митрофанов номли сув-спорт саройини таъмирлашга ўзимиз маблағ топамиз деб келишдик. 100 миллион сўм ажратиш албатта қийин масала. Бироқ ўзимиз келишган ишни бажаришимиз керак.

Шунинг учун молиявий аҳволни, соғломлаштириш ишларини тўғри йўлга қўйиш, авваламбор, бизларнинг ўзимизга, касаба уюшмаларининг раҳбарларига боғлиқ.

Ижтимоий суғурта фондини тўла таъминлаш учун биз корхоналар, банклар билан жуда кўп ишлашимиз керак. Бу ишда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ёрдамидан фойдаланиш, бу ишда ташкил қилинган мувофиқлаштириш кенгашларимиз масъулиятини кўтариш керак.

Ҳозир қўпгина корхоналар векселлар орқали санаторий-курортлар бирлашмаси билан ҳисоб-китоб қила бошладилар. Ҳозирги пайтда бу йўлни кенг қўллаш керак бўлади. Ўз тўловларимизни, айниқса, санаторий-профилакторийларимиз, болалар оромгоҳларимиз билан ҳисоб-китоб ишларини бартер орқали ҳам йўлга қўйишимиз керак.

Бизнинг энг йирик тармоқ касаба уюшмамиз бўлган Деҳқончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмасида ҳам давлат ижтимоий суғурта ва колхоз фонди муаммоларини ўрганиб чиқиб, бир хулосага келиш лозим.

Яна бир муҳим масала — у ҳам бўлса давлат ижтимоий суғурта маблағларини талон-тарож этишга йўл қўймаслик. Тафтиш комиссияси томонидан ўтказилган текширишлар бу ишда анчагина ноқонуний харажатларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳурматли ўртоқлар!

Бугун биз Узбекистон касаба уюшмалари фаолиятида ғоят катта ўрин тутувчи масалани кўриб чиқмоқдамиз. Табиийки, ушбу маърузада ҳамма муаммоларни қамраб олиб бўлмади. Сўзга чиқиб, муҳокамада иштирок этувчи ўртоқлар бу ерда тилга олинган муаммоларни тўлдириб, уларни ечиш йўллари ҳақида амалий таклифлар киритадилар деб ўйлайман.



Нукус шаҳрида қурилаётган теннис корти битказилиш арафасида. Шаҳар тарихида бу каби иншоот яратилиши катта воқеа бўлди. 800 ўринли комплекс тизимига сауна, кафе, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш нуқталари ҳам кирган.

Бу корт «Қорақалпоқавтойўл» Давлат акционерлик компанияси буюртмаси билан қурилмоқда. «Қорақалпоқфуқаросаноатқурилиши» ҳиссадорлик жамияти 3-сонли филиали эса ижарачилик қилмоқда.

Суратларда: корт қурилишининг кўриниши; Хайитбой Кайпов, Пўлат Атбоев, Ораз Маҳмудов иншоотга мармар билан жило беришмоқда.

«Ишонч»нинг иқтисодий луғати

ИННОВАЦИЯ (инновацион фаолият) — янги маҳсулот турини яратишга оид илмий-тадқиқот ишлари, унинг технологияси, ишлаб чиқаришга бошқариш тизимида прогрессив шаклнинг вужудга келиши билан боғлиқ жараёндир. Бошқача қилиб айтганда, инновация янги маҳсулотни яратиш ғоясидан уни тайёрлаб реализация қилгунча бўлган муносабатларни ўз ичига олади. Бу жиҳатдан инновацион фаолият фан-техниканинг ривожланиш жараёни билан боғланиб кетади. Республикамизда ана шу йўналишда иш олиб бораётган «Буюк Ипак йўли» инновацион банки мавжуддир. У яратувчилик фаолияти билан машғул юридик ва жисмоний шахслар, корхона ҳамда ташкилотлар, фирмаларни маблағ билан таъминлайди.

ФЬЮЧЕРС — молни сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги келишув (контракт) бўлиб, унинг бошқа шартномалардан фарқли жиҳатлари бор. Яъни, бунда сотиладиган молларнинг нархи айни вақтдаги нарх билан эмас, балки маълум бир муддатда, айтайлик, келажакда сотилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлган қатъий нарх билан белгиланади. Бу шартнома тузилаётганда тегишли молнинг намунаси ёки ўзи бўлиши шарт эмас. Шартномада кўрсатилган товар қабул қилинган стандартга жавоб берса кифоя.

Фьючерс шартномаси асосида ранг-баранг маҳсулотлар, шу жумладан, ғалла, нефть, кофе, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳаттоки акция, чет эл валюталари ҳам сотилиши мумкин. Тушунарли бўлиши учун бир мисол келтирайлик. Дейлик, фермер эрта баҳорда сотиб олувчи билан фьючерс шартномаси тузиб, ўзи етиштирадиган маҳсулотнинг нархини, ҳажмини келишиб, олади. Бунда сотиб олувчи ишлаб чиқариш харажатлари учун етиштирувчига маълум миқдорда аванс пули бериши ҳам кўзда тутилади.

Белгиланган муддатда ўша маҳсулотнинг бозордаги нархи ошиб ёки пасайиб кетиши мумкин, лекин у барибир шартномада кўрсатилган нархда сотилади. Фьючерс шартномаси сотувчи ва сотиб олувчининг фаолиятини гарантиялайди.

Ушбу шартнома қоғози қимматбаҳо қоғозлар таркибига кириб, бошқа кишилар ўртасида сотилиши ва сотиб олиниши мумкин. Унинг нархи талаб ва таклифга қараб ўзгариб туради.

ЯХШИ НИЯТ–ЯРИМ МОЛ

Яқинда Ўзбекистон машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ва Тошкент шаҳар касаба уюшмаларининг қўшма семинари бўлиб ўтди. Унда жумҳурият Меҳнат вазирлиги меҳнатга ҳақ тўлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Александр Новеднев ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Шавкат Одиловлар тармоқдаги касаба уюшма қўмиталарининг раислари А.Новеднев ва Ш.Одиловларга ўзларининг қизиқтирган масалалар ва ўйлантираётган муаммолар юзасидан саволлар билан мурожаат этдилар ва батафсил жавоблар олдилар.

Шу муносабат билан биз Шавкат Одиловга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик:

Одамийлик сабоқлари

Аллоҳ Таоло барча мавжудотлар ичида энг мукаррами, азизу кўркамли инсон эканлигини Қуръони Карим оятларида баён этган ва уларнинг тўғри юриб, тинч-тотув, саодатли, фаровон ҳаёт кечиришлари учун кифоят берадиган илоҳий таълимотларни турли замонларда Пайғамбарлари орқали етказиб турган.

Ҳазрати Одам Safиуллоҳдан бошлаб поклик, ҳалоллик, ростгўйлик, мурувватлилик, хушмуомалалик, саҳийлик, очиқ чеҳралик, меҳнат ва эл-юртга муҳаббат каби эзгу инсоний сифат ва хислатлар Одам атонинг фарзанди Ҳобилда комил одоб-ахлоқ рамзи саналади. Айни замонда худбинлик, дилозорлик, жоҳиллик, ялқовлик, эгрилик, бахиллик, шафқатсизлик, ёвузлик каби қусурлар Қобил хулқи рамзи бўлиб инсоният фарзандларига қолган мероснинг фарзандларига қолган мероснинг фарзандларига қолган мероснинг

Спорт

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА УЧИНЧИ

Бразилияда ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида вакилимиз ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Бу ерга дунёнинг 56 мамлакатидан 16 ёшгача бўлган қарийб 60 нафар шахматчи тўпланди. Мусобақада қобилиятли шахматчи, спорт устаси тошкентлик Рустам Қосимжонов ҳам иштирок этди. У ўз имкониятларидан етарли фойдаланишга ҳаракат қилди. 11 имкониятдан 8 очко жамғариб, жаҳон чемпионатининг учинчи совриндори бўлди.

ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИ

Ўтган мавсум мамлакатимиз спорт ҳаётида ўзига хос саҳифа бўлиб қолди.

Яқинда мутахассислар ва спорт журналистлари ўтган йилнинг «Энг яхши спортчиси» номини аниқлашди. Бундай фахрли номга моҳир боксчи, Осиё чемпиони Дилшод Ёрбеков мушарраф бўлди. Мухлислар Тошкентда ўтказилган мусобақада унинг чиқишларидан мамнун бўлишган эди. Дилшод шу кунларда Муҳаммадқодир Абдуллаев, Наримон Отаев, Руслан Чагаевлар қатори Атланта олимпиадасига ҳозирлик кўрмоқда. Шунингдек, моҳир эшкак эшувчи Евгений Останин, мерган Шуҳрат Аҳмедов, шахматчи Рустам Қосимжонов, курашчи Баҳодир Қурбонов, енгил атлетикачи Анвар Кучмуродов, дзюдочи Дмитрий Соловьёв ва футболчи Олег Шацкихлар ҳам ўтган йилнинг моҳир спортчилари деб эътироф этилди.

ФИШЕРГА АТАЛГАН МАБЛАҒ

Бир вақтлар жаҳон шахмат оламини ларзага солган Роберт Фишернинг номи яна тилга олинмоқда.

Яқинда халқаро шахмат Федерациясига президент этиб сайланган Кирсан Илюмжинов Фишерга катта ваъда бериб юборди. У ҳозир Фишер яшаб турган Будапештда бўлган учрашувда моҳир шахматчини Россияга таклиф қилиб, қалмиқ халқининг меҳмони бўлишини илтимос қилди. Қизиғи шундаки, ФИДЕ президенти бир вақтлар собиқ Иттифоқда унинг розилигисиз чоп этилган китобга лойиқ қаламҳақи ҳисобида Фишерга 100 минг доллар бермоқчи эканлигини маълум қилди.

Автомобиллар оламида

ВАҚТДАН ЎЗИБ...

Автомобил ҳамиша кишида катта қизиқиш уйғотади. Кейинги ярим аср ичида у одамларни узига кўпроқ ром этадиган бўлиб қолди. Эндликда автомобил билан инсон бир-бирига маҳкам боғланганлиги табиий ҳолдир.

Биз «Автомобиллар оламида» деган янги рукн остида автомобилсозлик соҳасидаги янгиликлар билан сизларни таништиришни, шунингдек ўз даврида шуҳрат қозонган, ҳозир эса афсонага айланган автомобил моделлари ҳақида ҳикоя қилишни мақсад қилиб қўйдик. Ана шу туркумдан бири - «Гочкисс-Грегуар» (Франция) моделидир.

...1947 йили Парижда бўлиб ўтган автомобиллар кўргазмасида галати автомобил намойиш этилди. Унинг ута замонавий шакли, олдинги ғилдираклари, олд томонга ўрнатилган ажойиб шокилалари, алюминийдан ишланган кузови томошабинлар ҳамда мутахассисларни ҳайратга солганди. Бу ғаройиб машина ижодкори Жан-Альбер Грегуар эди.

1950 йилда машина модели билан «Гочкисс» автомобил заводи қизиқиб қолади ва бир оз миқдорда уни тайёрлаб чиқара бошлайди.

Хўш, «Гочкисс-Грегуар» ўзига ўхшаш бошқа автомобиллардан қай жиҳатдан фарқ қилади? Аввало шуни айтиш керакки, унинг кўп қисмлари алюминий қотишмасидан тайёрланган бўлиб, бу ҳолат машина вазнини анча камайтириш имконини берган эди. Ж.А. Грегуар бу соҳада «Алюминиум Франсез» фирмаси билан яқиндан ҳамкорлик қилганлиги сезилиб турарди.

Тўрт цилиндрли ва сув билан совутиладиган мотор машинанинг олд томонига ўрнатилган эди. Дисксиз ғилдираклари эса ўша давр техникаси тафаккуридаги янгиликлар далолат берарди. Ғилдираклар нинг тўғнлари тормоз барабанларига бевосита туташтирилган эди. Машинанинг ажойиб аэродинамик шаклдаги кузови кишиларнинг диққатини беихтиёр узига тортарди.

Бир сўз билан айтганда, «Гочкисс-Грегуар» ўз даврида анча олиб кетган автомобиллардан бири эди. Аммо, афсуски, унинг қадрига етилмади, 1954 йили ишлаб чиқариш тўхтатилди.

Қуйида мазкур машинага хос бўлган баъзи техник тавсифларни келтирамиз: машина 5 ўринли бўлиб, унга 1998 куб сантиметр ҳажмдаги 4 цилиндрли мотор ўрнатилган, қуввати 60 от кучига - 44 киловаттга тенг, ҳаракатни ўтказувчи 4 та узаткичи бор, узунлиги - 4500 мм, кенглиги - 1750 мм, баландлиги - 1500 мм, энг юқори тезлиги - 150 км.соат, енилги сарфи - 100 км.га 9-11 литр.

Э.АБДУРАШИДОВ.



Суратда: «Гочкисс-Грегуар» автомобили.

Билиб қўйган яхши

ЧОЙ — ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

Чой истеъмол қилиш 3500 йил муқаддам бошланган. Унинг ватани қадимги Хитой бўлиб, номи хитойча «ёшил барг» деган маънони англатади. Ривоят қилишларича, Хитой ҳоқонининг канизакларидан бири гуноҳи учун чўлу биёбонга ҳайдалади. Узоқ вақт озиқ-овқатсиз, сувсиз қолиб, бир бута тагига келиб ётади.

Сўнг ёшил барглари чайнаб маълум фурсат ўтгач, канизак ўзини жуда тетик ҳис қила бошлайди. Барглардан анча-мунча юлиб, шаҳарга қайтади.

«Ча-ийс» — ёшил барг овозаси саройга етиб боради. Ҳоқон канизагининг тетик кўриниши ва тиниқ юзига қараб: «Менинг табибларимга ўша «гиёх»ни кўрсат, гуноҳингдан ўтдим», дейди.

Табиблар ёшил баргли шифобахш бутани экиб, кўпайтиришга киришишади. Кейинчалик ундан чой тайёрланиб, оммавий равишда истеъмол қилина бошлайди.

Ҳозирги пайтда чой кўплаб мамлакатларда истеъмол қилинувчи асосий ичимликлардан биридир. Чой усимлиги барглиридан умуман юздан ортиқ, шу жумладан бир қанча юқори навли чой маҳсулотлари тайёрланади.

Кук чой кишининг қон айланиш тизимига яхши таъсир қилувчи воситадир. Қолаверса, юрак-томир фаолиятини, тўқималарнинг кислород билан таъминланишини яхшилайди, модда алмашинувини барқарорлаштиради. Танани турли ортиқча тузлардан фориг қилади. Шунингдек, чой ошқозонда овқат ҳазм бўлишини яхшилаш ва ташналикни қондиришда муҳим воситадир. У мияни ҳамда кўзни тиниқтиради, уйқуни меъёрлаштиради.

АСПИРИН ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Бундан 97 йил муқаддам аспирин — ацетилсалицил кислотанинг илк намунаси саноат асосида ишлаб чиқарилган эди. Уни дастлаб «Байер» немис фармацевтика фабрикаси суюқ ҳолда, 1902 йилдан бошлаб ҳаппдори тарзида тайёрлаган.

Ҳозирги пайтда инсоният ҳар йили турли фирмаларда тайёрланган 100 миллиард дона ҳаппдори истеъмол қилади. Бу 40 минг тонна деган сўз.

Ҳаппдори соф ҳолда немис кимёгари Ф. Гофманн томонидан 1877 йилда олинган. Салкам бир йилдан сўнг патентланган дори тиббиет амалиётида кенг қўлланила бошлаган.

Россияда аспиринни кенг тарғиб қилганлардан бири улуғ рус адиби, шифокор А. П. Чехов бўлиб, у мазкур дори воситасида шамоллаш, ревматик касалликлар, бўғинлар яллиғланишини даволаган. Европада аспиринданимия оғриғи — мигренни даволашда фойдаланишган.

У қарияларда учровчи кўз ғанҳарининг хиралашишида, тромб — майда қон томирчаларида тиқин ҳосил бўлганда, инфарктнинг олдини олишда энг янги препаратлар билан рақобатлаша олади.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

Бошқотирма

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарийлар! Аввало қуйида таърифланган сўзларни топиб, рақамли хонадан шаклдаги хоналарга ёзинг.

1. Бўйига: 1. Умумхалқ оммавий тантанали томошаси. 2. Хоразмча қўшиқ жўрлигида ижро этиладиган оммавий рақс номи. Энига: 3. Вақт ўлчови.

9. Бўйига: 4. Мучал ҳисоби бўйича кузатилаётган йил. 5. Зафар, муваффақият. 7. Сўз усталарининг баҳси. Ей бўйича: 4. Ер куррасининг баланд ҳудуди. 6. Кўрк ҳусн. 8. Узбекистондаги эстрада ансамбли.

9. Бўйига: 9. Тенгдош, дуст. 10.Кишининг келиб чиқиши, шажараси. 12. Янги йил бошланганлигидан хабар берадиган садо, занг. Ей бўйича: 9. Халқ термалари асосида анжуманларда ижро этиладиган ашула. 11. Инсонга хос руҳий дунё, кўнгил. 13. Халқ қушиқларининг оммавий тури.

6. Бўйига: 15. Жамият тараққиётида муҳим воқеа содир бўлган вақт оралиғи. 16. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган қиқоя. Ей бўйича: 14. Бирор ишакнинг амалга ошишига бўлган ишонч, орзу. 17. Шон-шараф ҳисси, фахр. 18. Узбек халқ оммавий рақс куйи.

Энди жавобларнинг биринчи ҳарфлари асосида шакл атрофидаги айланаларда берилган рақамларда яширинган топшириқни ҳал этинг. Бунда Сизларга аталган табрик сўзларимиз аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ.



51-сонда эълон қилинган «Топқирлик машқи»нинг жавоблари:

Энига: 5. Копакри. 6. Бинокор. 7. Ҳасайни. 8. Низомий. 13. Камалак. 14. Отчопар. 15. Боботог. 16. Аҳмаров.

Бўйига: 1. Қоракўл. 2. Рамазон. 3. Торонто. 4. Горилла. 9. Чиғатой. 10. Ёрматов. 11. «Ҳалокат». 12. Қоражон.

Ейлар бўйича кетма-кет: 17. Иг. 18. Тиш. 19. Миср. 20. Рост. 21. Турк. 22. Кио. 23. Ой. 24. Йил. 25. Лола. 26. Асал, 27.Лото. 28. Оҳу. 29. Уд. 30. Дон. 31. Назм. 32. Март. 33. Тўти. 34. Илм. 35. Ин. 36. Нон. 37. Нарх. 38. Ҳрам. 39. Мина. 40. Ари.

ДУШАНБА, 8

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!»**. Тонгги дам олиш дастури.
7.30 **«Ҳафтанома».**
8.00 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Замира Ҳидоятова таваллудининг 85 йиллигига.
9.30 «Қизил Ярим ой шўъласи».
9.50 Шифокор экрани.
10.20 «Гулғунчалар».
10.50 «Жаҳон киноси юлдузлари». Кинокўрсатув.
11.25 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Уддабурон хизматкор». Болалар учун телеспектакль.
12.25 — 13.00 «Янгра, созим». Мусиқий композиция.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар**.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 **1. «Ўчмас чироқлар».**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **2. Биржа хабарлари**.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **3. «Мангулик манзили».**
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ахборот».**
23.50 — 00.20 **«Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Саҳна юлдузининг нурли шўъласи».**

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Палитра».
19.00 «Уфқлар».
19.15 «Дорихона».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Постфактум».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 «Қурьер».
21.50 «... яна об-ҳаво ҳақида».
22.00 Эълонлар.
22.05—22.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Лаҳза». Фильм-концерт.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Ҳар соҳадан бир шингил».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Сахалин манзаралари». Телефильм.
20.10 «Ўзинг ҳақингда сўзлаб бер».
20.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
21.25 «Янги иқтисод».
22.00 «Шифокор билан мулоқот».
22.40 «Юлдузлар ёғдуси».
23.10 — 23.40 «Спорт-тайм».

СЕШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!»**. Тонгги дам олиш дастури.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!»** Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Мерос». Нажмиддин Кубро.
9.15 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
9.45 «Янги йилим — яхши йилим». Адабий-мусиқий композиция.
10.15 Немис тили.
10.45 «Бор экан-да, йўқ экан...». Бадиий фильм.
12.10 «Синфдош».
12.40 — 13.10 Ёшлар қуйлаганда.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 «Фил полвон оғриб қолди». Мультфильм.
18.20 «Ғаллароллик ғаллакорлар».
18.45 «Шеърият».
18.55 **«Бугунги Европа».**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Турон тулпорлари».** Спорт кўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. **«Асрлардан сўйлар бу тупроқ».** 1-кўрсатув.
21.20 **«Кувноқ трамвай».** Дам олиш дастури.
22.00 «Қушларга эргашган инсон». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ахборот».**
23.50 —00.30 «Ёд этарман». Фотима Баротова.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Бизнес-уик».
20.05 «Мусиқий йўл».
20.15 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Юлдуз механикаси».
21.40 «Видеогид».
22.00 Эълонлар.
22.05 — 23.45 «Кинонигох».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўғил, набира, эвара», «Асрий анъаналар». Телефильмлар.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ўорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Кинематограф».
21.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.45 — 23.45 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 1

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!»**. Тонгги дам олиш дастури.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 «Кувноқ трамвай». Дам олиш дастури.
9.10 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.40 Арча атрофида.
10.30 «Операция «Ы» ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Бадиий фильм.
12.00 «Ассалом, япон тили!»
12.40 Ишбилармон. «Имконият излаб».
13.00 — 13.30 «Дилраболар келсалар». Концерт.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 **«Тупроғи зар Ватаним менинг».** Қашқадарё вилоят геолог-кидирув экспедицияси иш фаолиятидан.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Иқтисодиёт чорраҳаларида».**
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан. **«Асрлардан сўйлар бу тупроқ».** 2-кўрсатув.
21.25 **«Насриддин: экрандаги саргузаштлар».** Кинокўрсатув.
22.05 **«Хизмат жойи — Ички қўшинлар».** Кўрсатув ва концерт.
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ахборот».**
23.50 — 00.40 «Чантраморе». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Дўстим, тулпор».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
21.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.15 — 23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Таманно». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.55 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бошқармасининг намунали кўргазмали оркестри ижро этади.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Саломат бўлинг!».
20.30 «Фильмлар ва тақдирлар».
21.10 «5+1». Интервью.
21.30 «Тасвир».
22.00 «Тошкент оқшомида».
23.00 — 23.50 «Меъморлар».

ПАЙШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!»**. Тонгги дам олиш дастури.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 Болалар учун. «Янги йил эртаги».
9.20 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Усуллар парвози».
9.45 «Сизни ёд этиб». Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
11.30 Ўқув кўрсатуви. География.
12.00 — 14.00 «Менга сўз беринг». «Ёшлик» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 **«Бу дамлар ўхшар эртакка...»**
18.40 **«Санъат олами».** Ҳайкалтарош Равшан Миртожиев.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Юзма-юз».** Исломшунос олим Абдулазиз Мансуров билан мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **«Ваҳт — ҳакам».** Инсоннинг маънавий олами.
21.35 **Диққат, премьера: «Зангиота». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.**
21.45 Уйғун. **«Ибн Сино».** Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ахборот».**
23.50 — 00.10 «Экран хандаси».

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Автосалон».
20.10 «Хай Фай». Юқори сифат.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Сизнинг услуб».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 — 23.10 «Кинонигох».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Илҳом». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.45 «Менинг кўчам».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.55 «Интердиалог».
21.35 «02» тўлқинида».
22.00 «Хонадонингизга осойишталик».
23.00 — 00.30 «Кинематограф».

ЖУМА, 12

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!»**. Тонгги дам олиш дастури.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 Уйғун. «Ибн Сино». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
10.10 «Қор парчалари». Боғча болаларининг байрам дастури.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
12.00 — 12.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.



ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Дўстим, тулпор».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».
21.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.15 — 23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Таманно». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 **Янгиликлар.**
18.10 «Ёшлик» студияси. **«Хазина».**
18.35 **«Тилга эътибор...»**
19.05 **«Аҳвол қандай, чемпион?».**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 **«Мулкдор».**
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **«Барча табрик Сизга бўлсин!».** Янги йил байрам дастури.
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ахборот».**
23.50 — 00.35 **«Актёрлар ва роллар».** Фарғона вилоят театрининг актёри Ғуломқодир Собиров.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ривоят».
18.20 «Офарин».
18.30 Телефестиваль.
19.00 «RAKS» қўшиқлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 «Репортаж». О. Мўминов дастури.
20.10 «Эртага шанба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Мафтункор чеҳралар».
21.20 «Таманно».
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 22.40 «Санта-Барбара». Телевизон бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бир кун ва бир умр». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 «Жонли сайёра».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 Шарҳ.
20.20 «Ёдингдами, дўстим!»
20.40 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
21.10 «Абадий қадриятлар».
21.40 «Алламбало».
22.00 «Манбалар».
22.40 — 24.00 «Янги йил кечасидаги юлдузлар».

ШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!»**. Тонгги дам олиш дастури.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 **«Замон».**
8.45 **«Саҳна ҳаёти, ҳаёт».** Ақида Ҳайитова.
9.30 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ўзбекистоннинг жонли қумушлари», «Туркистон — мусаввирлар маскани».
10.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан қуйлаб, ўйна қувнаб...»
11.15 Эстрада қўшиқлари.
11.45 «Қишлоқ стадионларида».
12.05 — 14.05 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бир чол ёмғир олдига боргани ҳақида». Мультфильм.
18.10 **«Сирли сандиқ».** Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган телеўйин.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Ахборот»** (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 **«Ўзбекистон янгиликлари»** (инглиз тилида).
20.15 **«Бу ажиб дунё».**
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Эълонлар.
20.55 **«Барча табрик Сизга бўлсин!»** Янги йил байрам дастури.
20.20 **«Тунги ёғду».** Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Автосалон».
9.45 «Сизнинг услуб».
10.00 «Палитра».
10.30 «Видеогид».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.15 — 12.55 «Кинонигох».

***

18.00 «Мультфейерверк».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Имкон чўққилари».
21.15 «Кўнгил». Д. Шамс кўрсатуви.
21.55 Эълонлар.
22.00 — 23.40 Видео — «О».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Тошкент тароналари». Фильм-концерт.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.55 «Эсдалик учун дастхат».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Ўн икки ой». Мультфильм.
11.00 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
12.00 «Сахий хонадонда».
12.40 «Дарвоқе».
13.20 «Золушка». Бадиий фильм.
14.30 — 15.05 «Фақат Сиз учун». Фильм-концерт.

* * *

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.00 «Менинг кўчам».
20.15 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
20.45 «Телеташриф».
21.15 «Бугунги Европа».
21.35 «Олам ва одам».
22.10 «Монитор-»Осиё».
22.50 «Янги йил бали».
23.50 — 01.00 «Кинематограф».

ЯКШАНБА, 14

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

ЎзТВ I

6.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!»**. Тонгги дам олиш дастури.
7.30 **«Ахборот».**
7.50 — 8.30 **«Ассалом, Ўзбекистон!».** Тонгги дам олиш дастурининг давоми.

*

8.30 **«Камалак».** Болалар учун кинодастур.
10.00 **«Ватанимга хизмат қиламан».**
11.00 «Ижодкор портретига чизгилар». Кинорежиссёр Ф. Давлетшин.
11.30 Диққат, премьера: **«Қўшиғимда яшар муҳаббат».** Фильм-концерт.
11.50 «Сирли сандиқ». Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган телеўйин.
12.55 **«Ватан сарҳадларида».**
13.25 — 15.25 «Болалигим — пошшолигим». Кичкинтойлар учун видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мозаика». Мультфильм.
18.10 **«Ибратли умр».** Ўзбекистон халқ артисти Манзура Ҳамидова.
19.00 **«Ойнаи жаҳонда...»**
19.25 Эълонлар.
19.30 **«Панорама»** (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 **«Ўткан кунлар»: асарнинг иккинчи умри».** Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 **«Ҳафтанома».**
21.00 Эълонлар.
21.05 «Бахт қулиб боққанда». Кинокомедия.
22.30 **«Якшанба оқшомида».** Дам олиш дастури.
23.25 Эълонлар.
23.30 **«Ҳафтанома».**
24.00 — 01.00 «Ёшлик» студияси. **«Ўхшаш чеҳралар».**

ЎзТВ II
АХБОРОТ-ДАМ ОЛИШ ТЕЛЕКАНАЛИ

9.00 «Ривоят».
9.05 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
9.50 «Ишингиз бароридан келсин!»
10.10 «Олам». Маърифий кўрсатув.
11.00 «Мафтункор чеҳралар».
11.20 «Имкон чўққилари».
11.40 «Кўнгил».
12.20 «RAKS» қўшиқлари.
12.50 — 14.30 «Кинонигох».

***

18.00 Келгуси ҳафтада.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Совға».
18.30 «Оҳанглар оғушида».
18.40 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дармоа».
20.05 Юлдузлар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Шеърият».
21.10 «Шаҳс ва баҳс».
21.30 «Даракчи».
21.40 Видео янгиликлари.
21.55 Эълонлар.
22.00 — 23.40 Видео — «О».

ЎзТВ III

17.50